O'ZLIDEP

XXI asr

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

23-fevral 2023-yil 8 (1006) www.21asr.uz @XXIasrofficial Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlangan

# МИСР ОРҚАЛИ АФРИКА БОЗОРЛАРИГА ЙЎЛ

МУНОСАБАТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АБДУЛФАТТОҲ АС-СИСИНИНГ ТАКЛИФИГА БИНОАН 20–21 ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН УШБУ МАМЛАКАТДА БЎЛДИ.**

Давлатимиз раҳбари Миср Араб Республикасига расмий ташрифини Аҳмад Фарғоний мероси зиёратидан бошлагани мажозий маънога эга. Етук астроном, математик ва географ бўлган буюк аждодимиз Бағдод ва Дамашқда илмий тадқиқотлар ўтказган, 856 йилдан эса умрининг охирига қадар Қоҳирада яшаб, илм-фан билан шуғулланган.

Аҳмад Фарғоний кўплаб муҳим кашфиётлар қилган. Жумладан, 861 йили Нил дарёсидаги Равза оролида сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо эттирган. “Миқёс ан-Нил” номи билан машҳур бу қурилма қишлоқ хўжалиги ва иқлимни баҳолашда жуда муҳим бўлган. Иншоотдан қарийб 1200 йил давомида ўтган асргача узлуксиз фойдаланилган. Бугунги кунда эса туристик масканга айлантирилган. 2007 йили Миқёси Нил яқинидаги хиёбонда Аҳмад Фарғонийга ҳайкал ўрнатилган. Президентимиз унинг пойига гулчамбар қўйиб, мутафаккир бобомизнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлатимиз раҳбари Миқёси Нил иншоотини кўздан кечирди, Аҳмад Фарғонийнинг дунё илм-фанига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида олимлар билан суҳбатлашди. Улуғ алломанинг ҳозиргача сақланиб келаётган мероси, умуман, ўзбекларнинг Миср тарихидаги ўрни халқларимиз ўртасидаги азалий дўстликдан далолат бериши таъкидланди.

Президентимиз қайси мамлакатга бормасин, ташриф дастурини тузишда маданий масканларга алоҳида эътибор қаратилади. Миср цивилизацияси миллий музейи навбатдаги ана шундай манзиллардан бўлди. Бу ерда қадим замонлардан то ҳозирги кунгача ҳикоя қилувчи 50 мингдан ортиқ экспонатлар, жумладан, фиръавнлар мўмиёлари, ҳукмдорлар тахтлари ва ҳайкаллари, заргарлик буюмлари, шунингдек, уй-рўзғор ва ҳунармандчилик ашёлари кўргазмага қўйилган.

Мамлакатимиз етакчиси Миср заминида бир-бирини алмашлаб келган турли цивилизацияларнинг ёдгорликларини катта қизиқиш билан кўздан кечирар экан, тарих ва маданият бирдек буюк меросга эга халқларимизни яқинлаштиришнинг муҳим воситаси эканини таъкидлади. Миср томони вакиллари, ўз навбатида, Ўзбекистон раҳбарига музейга ташриф учун миннатдорлик билдириб, халқларимизни боғлаб турувчи муштарак жиҳатлар кўплиги, бу дўстлик ва ўзаро англашув ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидладилар.

Ўзбекистон раҳбарининг расмий ташрифларида канда қилинмайдиган яна бир тадбир, ҳеч шубҳасиз, ишбилармон ва тадбиркорлар билан мулоқотдир. Учрашувда Миср томонидан халқаро ҳамкорлик бўйича вазир Рания ал-Машат, Савдо палаталари федерацияси президенти Иброҳим Маҳмуд ал-Арабий, “Elsewedy Electric”, “El Araby Group”, “Orascom Construction”, “Poliserve Group”, “Al-Rowad”, “Lotus Garments Group” каби йирик компаниялар раҳбарлари қатнашди.

Анжуманда икки томонлама муносабатларда улкан салоҳият борлиги, ишбилармонлик ва тадбиркорлик алоқаларини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ўзаро инвестицияларни фаоллаштириш ва савдони ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди. Мамлакатимиз етакчиси биргаликдаги саъй-ҳаракатлар ўтмишда гуллаб-яшнаган Буюк ипак йўлидек мустаҳкам ҳамкорлик кўприкларини қайта тиклашда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасида кейинги йилларда товар айирбошлаш кўрсаткичлари каррасига ошди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони 6 баробар кўпайди. Ўзбекистон-Миср бизнес форуми якунида умумий қиймати 1,6 миллиард долларлик 20 дан зиёд битим ва шартномаларни амалга ошириш юзасидан аниқ келишувларга эришилди. Энергетика, электротехника, кимё, тоғ-кон, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, чарм-пойабзал тармоқларида саноат кооперацияси учун кенг имкониятлар мавжуд.

Учрашувда ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ва янги ўсиш нуқталарини рўёбга чиқариш юзасидан фикр алмашилди. Қўшма лойиҳа ва келишувларни амалга оширишни тез фурсатда бошлаш бўйича таклифлар билдирилди. Мисрнинг етакчи компаниялари вакиллари ўз чиқишларида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни юқори баҳоладилар. Хусусан, иқтисодиётнинг либераллашуви ва қулай инвестиция муҳити яратилгани Миср бизнесининг мамлакатимиз бозоридаги фаолиятини кенгайтириш учун катта имкониятлар очаётгани қайд этилди.

Жумладан, “Elsewedy Electric” компанияси электр энергияси, трансформаторлар ва кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Мисрдаги энг йирик корхона бўлиб, шамол ва қуёш электр станцияларини қуриш, трансформаторлар, кабель-сим маҳсулотлари ва қўшимча қисмларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга тайёр. “Orascom Construction” эса Ўзбекистонда индустриал парк яратган ҳолда лок-бўёқ маҳсулотлари ва қурилиш материаллари учун кимёвий моддалар ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, шунингдек, 100 МВт қувватли шамол электр станциясини қуришдан манфаатдор эканини билдирди.

Мисрнинг йирик сармоядорлари мамлакатимизни Марказий Осиё бозорларига чиқиш учун кўприк сифатида кўраётганини айтдилар. Ўз навбатида, Миср билан алоқаларнинг кучайиши ўзбек тадбиркорлари учун ҳам Африка бозорларига боғланиш имкониятини кенгайтиради.

Қоҳирадаги “Ал-Иттиҳодия” саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳокама қилиб, ўзаро муносабатларни кенг қамровли шериклик даражасига олиб чиқишга келишиб олдилар. Сиёсат, хавфсизлик, савдо ва саноат кооперацияси соҳаларидаги ҳамкорликни тубдан кенгайтириш ҳамда маданий-гуманитар ва таълим алоқаларини мустаҳкамлаш масалалари музокараларнинг асосий мавзулари бўлди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро инвестициялар жалб қилиш учун қулай шароит яратишга келишиб олинди. Икки мамлакат иқтисодиётлари бир-бирини тўлдириб турувчи хусусиятга эга эканидан келиб чиқиб, бешта аниқ йўналишда – газ-кимё, тўқимачилик, электротехника, заргарлик ва фармацевтика тармоқларида ҳамкорлик қилиш чоралари белгилаб олинди.

Саноат кооперациясини ривожлантириш ва юқори рентабелли қўшма ишлаб чиқаришлар ташкил этиш мақсадида Ўзбекистондаги эркин иқтисодий зоналар имкониятларидан фойдаланиш таклиф қилинди. Энергетика соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон ва Мисрни боғлаб турган транспорт йўлакларини ривожлантириш чоралари ҳам муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестиция, маданият ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган Қўшма баёнотни қабул қилдилар. Президентлар ҳузурида қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланди. Улар икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари, Ўзбекистон Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ва Миср Инвестициялар бўйича бош бошқармаси ўртасидаги, ўсимликлар карантини ва ҳимояси, жамоат соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этиш, инвестицияларни жалб қилиш ва икки томонлама инвестициявий муносабатларни мустаҳкамлаш, техник жиҳатдан тартибга солиш, тараққиёт масалаларида тажриба алмашиш каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришни назарда тутади.

Музокаралар чоғида икки мамлакатда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар – Янги Ўзбекистон стратегияси ва Мисрнинг “Янги Республика” дастури бир-бирига ҳамоҳанглиги, янги иш ўринларини яратиш ва камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар уйғунлиги тўғрисида якдил фикр билдирилди.

**МУХБИРИМИЗ**



# ЭЛНИНГ ИСТАГИ – ҚУВВАТ МАНБАИ

## ЁХУД МАҒРИБДА ҲАМ, МАШРИҚДА ҲАМ АКСИОМАГА АЙЛАНГАН ҲОЛАТГА ОИД ЖОНЛИ МИСОЛЛАР

***Ер юзидаги етти шариф манзиллардан бирига Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг навбатдаги ташрифи тафсилотлари билан танишар эканман, оташин шоирнинг ўтли сатрлари эсимга келаверди:***

***“Бутун кучни халқ ичидан олайлик,***
***Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!”. Диққатга сазовор томони шундаки, Чўлпон ҳаммага маълуму машҳур ўша “Халқ” шеърини айнан Бухорода – бундан юз йил аввал ёзганига тарих гувоҳлик беради.***

***Маҳаллалар ҳаёти ва саноат корхоналари қандай ўзгараётганини ўз кўзи билан кўриш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, ҳудудларни ривожлантиришнинг муҳим масалаларини муҳокама қилиш мақсадида мазкур вилоятга сафари чоғида давлатимиз раҳбари ҳам халқ ичида бўлишнинг долзарб аҳамиятига мутасаддилар эътиборини қаратгани бежиз эмас, албатта.***

***– Ҳамма жойларга бориб, соҳаларга туртки бериб, муаммоларни ҳал этиб, халқни рози қилишга ҳаракат қиляпмиз, – деди юртбошимиз. – Бугун Бухорога ҳам янги марраларни белгилаш, одамларнинг бирини икки қилиш учун келдик. Хайрли ишларимизда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин.***

*Давоми 2-саҳифада.* ▶▶

# КЎПНИНГ ДУОСИ КЎЛ ДЕГАНЛАРИ ШУ ЭМАСМИ?!

**МЕН ПЕШКУ ТУМАНИДАГИ “МАЛИШОЯК” КЎП ТАРМОҚЛИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ 25 ЙИЛДАН БУЁН БОШҚАРИБ КЕЛЯПМАН. ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ БУХОРОГА ТАШРИФИ ЧОҒИДА БИЗЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТДА ЖУДА КЎП ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ЎРТАГА ТАШЛАНДИ. АЙНИҚСА, КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ФЕРМЕР ВА КЛАСТЕРЛАРНИ ҚИЙНАЁТГАН МУАММОЛАРНИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИШГА ИМКОН ТУҒИЛДИ. ЎЗ НАВБАТИДА, СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАТОР ТАКЛИФЛАРИМИЗНИ ҲАМ ДАВЛАТ РАҲБАРИГА БИЛДИРДИК.**

Масалан, ўзимдан қиёс, фермер хўжаликлари томонидан етиштириладиган пахта хомашёсини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот ҳолига келтириш неча ўн йиллардан бери ушалмаётган орзу эди. Лекин бўлар экан-ку, мана, беш йилдирки, мамлакатимизда йўлга қўйилган янги тизим асосида кластерлар билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиз туфайли ўз меҳнатимиз роҳатини кўриш бахтига эришяпмиз. Агрокластерлар билан тузилган ўзаро манфаатли шартномалар натижасини беряпти ҳам. Оддий мисол, 2022 йилда 44 гектар майдонда пахта етиштириб, ҳосилдорликни гектар бошига 44 центнерга етказдик. 2 млрд сўмлик олинган даромадни ерларни лазер килишга, контурларни кенгайтиришга, фермер хўжалиги ишчиларини ижтимоий ҳимоя қилишга, хўжалигимиз ҳузурида барпо этилган 100 ўринли хусусий мактабгача таълим ташкилоти харажатларини қоплашга сарфладик. Бундан ташқари, фермер хўжалигимиз тасарруфидаги 7 гектар ерни 43 нафар фуқаронинг ҳар бирига 15 сотихдан Е аукцион орқали ажратиб бериб, бу майдонларда сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйдик. Шу тариқа аҳолини иш билан таъминлаб, камбағалликни қисқартиришга муваффақ бўлдик. Шунингдек, фермер хўжалигимиздаги 60 гектар ер атрофида тут ва ток кўчатларини экишни ташкил этганимиз ҳам катта натижа беряпти.

Кўпчиликка маълум, вилоятимизнинг аксарият экин майдонлари шўрлангани сабабли деҳқончилик қилишда жиддий қийинчиликлар туғдириб келади. Шуларни ҳисобга олиб, ернинг шўрини ювиш ва бартараф этиш мақсадида тут ва ток кўчатлари экишга кўпроқ аҳамият қаратяпмиз.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, энди иш бошлаган йилларимизда бор-йўғи 1,5 гектар майдонда деҳқончилик қилган бўлсак, бугунга келиб бу рақам 100 гектарга етди. Хўжалигимиз аъзолари аҳил, меҳнаткашлиги боис ҳам бири икки бўляпти, ҳалол меҳнати мевасини кўряпти. Замонавий уйлар қуришяпти, фарзандларини ўқитишяпти, тўй-томошалар қилишяпти. Буларнинг ҳаммаси юртимизда тинчлик ва осойишталик ҳамда одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари мустаҳкамланаётгани туфайлидир. Айниқса, мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган халқчил ғоянинг тилда ё қоғозда эмас, амалда рўёбга чиқаётганидан ғоятда мамнунмиз. Кўпнинг дуоси кўл деганлари исботи шу эмасми?!



**Санам ЖУМАЕВА,**
**Бухоро вилояти Пешку туманидаги “Малишояк” фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати**

# ЭЛНИНГ ИСТАГИ – ҚУВВАТ МАНБАИ

## ЁХУД МАҒРИБДА ҲАМ, МАШРИҚДА ҲАМ АКСИОМАГА АЙЛАНГАН ҲОЛАТГА ОИД ЖОНЛИ МИСОЛЛАР



◀◀ *Бошланиши 1-саҳифада.*

### МАЪНАВИЯТ МУЗАФФАРЛИККА ЕТАКЛАЙДИ

Президент ташрифни машҳур авлиё, нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилишдан бошлаб, Қуръон тиловат қилинаётганда, Яратгандан ўтганларга раҳмат, юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуо ўқилаётганда тарих китобларидаги маълумот – Нажмиддин Кубронинг Сайфиддин Бохарзийни Бухорога жўнатиш манзараси кўз олдимдан ўтди. Улуғ пирнинг садоқатли муридга берган ўгитлари ўлароқ амалга оширилган ишлар туфайли Бухорога Макка ва Мадина, Қуддус ва Бағдод сингари шариф шаҳар мақоми, Сайфиддин Бохарзийга эса Шимолий Кавказдан Сибиргача бўлган ҳудудда **ислом динини урушсиз жорий этишдаги улкан хизматлари учун Шайх-ул-олам** унвони берилган.

Олимлар билан суҳбатлашган давлатимиз раҳбари диний таълимни ривожлантириш, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлаганида шу жиҳатга ишора қилгани табиий. Боз устига, Бохарзий ва унинг маслакдошлари томонидан бошланган эзгу ишларни нақшбандия тариқати намояндалари муносиб давом эттирган. Янги Ўзбекистонда эса барча соҳалар қатори диний муносабатларда ҳам эркинлик берилиб, қатор илмий марказлар ташкил қилинди. Бундан кўзланган манфаату муддао Бухорий, Мотуридий, Марғиноний каби буюк боболаримиз меросига таянган ҳолда диний таълимни амалиёт билан боғлаш, илмий марказларимизни худди аввалгидек дунёда етакчи даргоҳларга айлантиришдан иборат.

Кези келганда, авлиё алломаларимизнинг ўлмас асарлари янглиғ ташриф ибтидоси ва интиҳоси ҳам маънавий салоҳиятдан оқилона фойдаланиш нуқтасида туташганини алоҳида тилга олиш жоиз. **Президентнинг эрталаб Нақшбанд ҳазратлари мақбараси зиёратидан бошланган сайёр иш куни кечқурун Мир Араб олий мадрасасида ниҳоясига етди.** Бу шунчаки тасодиф деганлар янглишади.

Боиси мадраса 500 йиллик тарихга эга. Бундай таълим даргоҳлари жаҳонда жуда кам. Ундан кўплаб олимлар, имомлар, муфтийлар етишиб чиққан. Лекин ўтган асрда унинг мақоми ўрта махсус билим юрти даражасига тушиб қолган эди. Биноси ҳам зах тортган, китоблар етишмасди. Шавкат Мирзиёев 2017 йилда бу ерга келиб, мадрасанинг тарихий мавқеини тиклашни мақсад қилганди. Бунинг учун Арк яқинида янги бино барпо этилди.

Олий мадрасада Қуръони карим, ҳадис, фиқҳ ва тасаввуф илмлари, хорижий тиллар пухта ўргатилади. Ўқув хоналари, кутубхона, фаоллар зали, талабалар ётоқхонаси ва хизмат уйи, спортзал ва бассейнда барча қулайликлар яратилган. Толиби илмлар билан самимий мулоқот қилган Президент суҳбат мавзусини яна шиддатли замонда маънавиятнинг тутган муҳим ўрнига қаратди:

**– Бугун мадрасанинг шароитини яхшилаганимиз хайрли иш бўлди. Демократик ислоҳотларимиз натижасида диний соҳага ҳам эркинлик эпкини кириб келди. Шу билан бирга, ахборот макони ҳам очиқ. Интернетда илмий асоси бўлмаган турли талқинлар ҳам бор. Лекин уларни тажрибасиз ёшлар қаердан билади? Буни сизга ўхшаган илмли кишилар, имом-хатибларимиз исботлаб, тўғри тушунтириб бериши керак.**

### РАБОТИҚАЛМОҚДА, ПЎЛАТОВ ХОНАДОНИДА

Остона ҳатлаб хонадонга киришда оёқ кийимини эшикда ечиш тартиби маънавий илдизларимизга бориб тақалади. Миллий тарбия олган инсон борки, бу урфга умр бўйи риоя этади. Президент Бухоро туманидаги Работиқалмоқ маҳалласида истиқомат қилувчи Бахтиёр Пўлатов хонадонига кирганида беихтиёр элнинг одатига амал қилгани зийрак тасвирчилар эътиборидан четда қолмади. Мезбонларга ҳурмат кўрсатиш шу билан чекланмади. Шавкат Мирзиёев асрий анъаналарга кўра дастурхондан нон-туз тотиб, бир пиёла чой устида гаплашди.

Работиқалмоқ маҳалласида 10 дан ортиқ савдо ва сервис шохобчалари, Тадбиркорларга хизмат кўрсатиш маркази бор. Маҳалла фуқаролар йиғини биноси мукаммал таъмирланган. Аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтиши учун оталар чойхонаси, кутубхона, спорт майдончаси ва хиёбонлар барпо этилган. Давлат раҳбари ана шу шароитларни бирма-бир кўздан кечирди, тикувчилик корхонасида меҳнат қилаётган аёлларнинг истакларини тинглади. Халқ ичида юриш ва одамларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган интилишнинг ҳикмати хусусида фикр билдирди. Ишчилар билан тушилган жамоавий сурат эса бир рағбатга ўн рағбат қўшгандек таассурот қолдирди.

Ташрифнинг кейинги манзили – маҳаллий кластерлар раҳбарлари билан ўтказилган мулоқотда ҳам юқоридаги самимият, инсон қадрини энг юқори поғонага кўтариш қадрияти



намоён бўлиб турди. Аграр соҳада етакчи кучга айланиб улгурган пахта-тўқимачилик кластерларидан Бухоро вилоятида 11 таси фаолият юритмоқда. 2022 йилда улар томонидан қарийб 99 минг гектар ерда 358 минг тоннадан ортиқ пахта етиштирилган. Жами 2 триллион 36 миллиард сўмлик 36 та лойиҳа амалга оширилиб, 3 минг 600 та иш ўрни яратилган.

Шавкат Мирзиёев нима учун кластер тизимига ўтилганига тўхталди:

**– Илгари халқимиз пахта экарди, лекин шунга муносиб манфаат топмасди. Беш йил давомида кластерларни авайлаб, шароит яратиб, шу даражага олиб келдик. Энди улар халқпарвар бўлиши керак. Майли, бой бўлсин, фақат ҳаёт билан бирга, халқ билан бирга!**

Президент ислоҳотларнинг пировард мақсади халқимизнинг даромадини ошириш эканини қайта-қайта уқтирди. Кластерлар фаолиятида муқобил энергиядан фойдаланишни кенгайтириш, сув тежовчи технологияларни қўллаш, инновацион ечимларни жорий этиш бўйича аниқ кўрсатмалар берди.

Бухоро вилоятида саноатни ривожлантириш ва энергия таъминотини яхшилаш масалалари бўйича ўтказилган йиғилиш қишлоқ мулкдорлари билан учрашувнинг мантиқий давоми бўлди.

Таҳлилий йиғилиш аввалида 6 та янги корхона ишга тушганини англатувчи рамзий тугмани Президент босиб берганини бухороликлар ҳаяжон билан гапиришяпти. Зеро, бунинг ўзига хос сабаблари бор. Бухоро шаҳридаги “Лайхтер Камалак Текстайлен”, Ғиждувон туманидаги “Ғиждувон ипак тола” ва “Усмон Шер Шамшод”, Жондор туманидаги “Аржумандбону чорваси”, Ромитан туманидаги “ВБМ Ромитекс” корхоналари ва тўрт юлдузли меҳмонхона маҳаллий аҳоли учун кафолатланган даромад манбаидир. Ипакчилик, тўқимачилик, паррандачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва туризм тармоқларига ихтисослашган бу мажмуаларда жами 3 минг 500 та янги иш ўрни очилмоқда.

Энергия таъминотини яхшилаш бугунги куннинг долзарб вазифаси экани ҳеч кимга сир эмас. Бухородаги муҳокамада ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Қўшимча қувватларни яратиш ва самарадорликни ошириш зарурлиги айтилди. Бухоронинг иссиқ иқлимидан ҳам иқтисодий наф йўлида фойдаланиб, 740 та корхонада 22 Мегаваттли, ижтимоий объектлар ва кўп қаватли уйлар устида 11 Мегаваттли қуёш панеллари ўрнатиш мумкинлиги таъкидланди. Янги захираларни ишга солиш орқали саноатни ривожлантириш кераклиги қайд этилди. Президент ҳар бир туман ҳокимига қўшимча инвестиция олиб келиб, истиқболли лойиҳаларни кўпайтириш бўйича аниқ топшириқлар берди.

> ***Одамлар давлат раҳбари сафарини ёритадиган журналистларга тез-тез юзланишади. Мана, сизлар Президентга яқин юрасизлар, айтинглар-чи, у киши шунча қувватни қаердан олади? Биз бир кунда битта ишни қилсак, чарчаб қоламиз ахир!?***
>
> ***Шу тарздаги саволларга жавобан элнинг истагини амалга оширишга ҳаракат қилаётган бандасига Аллоҳнинг ўзи куч беради, дейман. Аҳолининг овози, халқнинг хоҳиши – қувват манбаи! Ҳақ томон бўлган, халқ томон бўлганга мадорнинг ўзи келавериши мағрибда ҳам, машриқда ҳам аксиомага айланган.***

**Озод РАЖАБОВ,**
**“XXI asr” шарҳловчиси**

# ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИДА:
# ПЕШҚАДАМЛИК МАҚОМИНИ САҚЛАШ ОСОНМИ?




**OʻzLiDeP БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ЎТГАН ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ САРҲИСОБИ ВА ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ РЕЖАЛАРИ МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНҚИДИЙ ЙИҒИЛИШДА АНА ШУ КАБИ САВОЛЛАРГА ҲАМ ЖАВОБ ИЗЛАНДИ.**

Унда OʻzLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов иштирок этди. Шунингдек, партия вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари масъуллари ва депутатлар қатнашди.

Алоҳида таъкидланганидек, партия ҳудудий кенгаши ўз ишини 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, OʻzLiDeP сайловолди дастурида кўзда тутилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда амалга оширмоқда. Ҳисобот даврида партия аъзолари сонини кўпайтириш, жойлардаги корхона ва ташкилотларда қуйи бўғинларни тузишни янада жонлантиришга эътибор қаратилди.

Жойларда олиб борилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари натижасида партия аъзолари йил давомида 12 640 нафарга ошиб, 2023 йилнинг 1 январь ҳолатида 73 228 нафарга етди. БПТлар сони эса жами 853 тани ташкил қилмоқда. Бу борадаги ишлар Бухоро шаҳри, Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон туманларида тизимли ва намунали йўлга қўйилган.

Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашларидаги OʻzLiDeP депутатлик гуруҳлари кейинги пайтда давр талаблари даражасида ишлашга интилмоқда. Депутатлар аҳолини қийнаётган ва ечимини кутаётган муаммоларга эътибор қаратаётгани айниқса қувонарли. Хусусан, ўтган йили ана шу йўналишдаги 51 та масала сессияларга киритилди. Жами 872 та депутатлик сўрови ижро органлари мансабдор шахсларига юборилган бўлса, шундан 223 таси вилоят, 649 таси туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари ҳисобига тўғри келди.

Сайловчилар билан учрашув ва сайёр қабуллар давомида ҳам аҳолининг 1058 та мурожаатидан 935 таси ижобий ҳал этилди. Бир қатор мурожаатлар атрофлича ўрганиш ва мақбул ечим топиш мақсадида ваколатли идораларга юборилди.

Йиғилишда сўзга чиққан OʻzLiDeP лидери А. Хаитов партиянинг Бухоро вилояти кенгаши пешқадам ҳудудий ташкилотлардан бири эканига эътибор қаратиб, бундай мақомни сақлаб туриш осон кечмаслигини таъкидлади. Кейинги пайтда сиёсий кучнинг дастурий мақсад ва ғояларини амалга оширишга қаратилган муҳим тадбирлар, ўрта қатлам вакиллари иштирокидаги қатор учрашувларда давлатимиз раҳбари илгари сураётган вазифалар ижросини OʻzLiDeP сайловолди платформасидан келиб чиққан ҳолда бажариш кечиктириб бўлмайдиган масала эканини қайд этди.

Вилоятда партиявий йўналишдаги долзарб вазифалар доирасида, энг аввало, асосий электоратимиз бўлган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш устувор мақсаддир. Шу муносабат билан партия етакчиси аёллар ва ёшлар масаласи, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида аниқ натижадорликка эришиш лозимлигини, бизнес субъектлари муқобил энергиядан фойдаланишининг аҳамияти катта эканлигини айтиб ўтди. Айни жараён пировардида мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиш истагида бўлган кичик ва ўрта бизнес вакиллари сафини янада кенгайтиришга хизмат қилади.



Йиғилишда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. Бухоро давлат университети ректори, Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Обиджон Ҳамидов OʻzLiDeP Бухоро вилояти кенгаши раиси этиб сайланди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

### ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

“Бухоро азалдан илм, маънавият маркази. Қадимда бу ерда 30 дан ортиқ олий мадраса бўлган. Ҳеч қаердан бунча кўп уламо чиқмаган. Бугун ҳам ёшлар тарбиясида, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишда Бухоронинг ўз ўрни бор”.

Бухоро давлат университети талабалари билан ўтказилган очиқ мулоқотда Президентимизнинг юқоридаги фикрига алоҳида эътибор қаратилди. OʻzLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг янги раиси, мазкур университет ректори Обиджон Ҳамидов кириш сўзи билан очган давра суҳбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Актам Хаитов ҳамда парламент қуйи палатасидаги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Эмма Аслонова қатнашди.



Учрашув давомида яқиндагина Президентимиз раислигида ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида битирувчиларни касб-ҳунарга ўргатишга қаратилган “Ҳаёт мактаби” дастурини амалга ошириш ташаббуси илгари сурилгани мамнуният билан қарши олинди. Аслида ёшлар ҳамиша бундай янгиликларга илиқ муносабат билдиради.

Бу муҳим масала Бухорода ҳам асосий эътиборда бўлиши, ўз навбатида, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ҳаётида улкан аҳамият касб этиши, шу тариқа ёшларга оид устувор вазифалар ижросини таъминлашга сезиларли таъсир кўрсатиши эътироф этилди. Давра суҳбати иштирокчиларига OʻzLiDeP фаолияти, унинг дастурий мақсадлари, мамлакатимиз сиёсий майдонида тутган ўрни ҳақида батафсил маълумот берилди.

– Сизлар кейинги йилларда мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига яратиб берилаётган имкониятлардан фахрланиш баробарида улардан оқилона фойдаланиш йўлида жиддий ҳаракат қилишингиз керак, – деди учрашувда сўзга чиққан парламент депутати Эмма Аслонова. – Маълумки, шу кунларда Президентимизнинг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги фармони лойиҳаси муҳокамалари қизғин давом этмоқда. Ушбу дастур лойиҳасини такомиллаштиришга талабалар ҳам ўз таклифлари билан қатнашиб, муҳим ҳужжатнинг сифатли қабул қилинишига ҳисса қўшишларини истардим.

Давра суҳбати давомида университет профессор-ўқитувчилари ва ёшларнинг қатор фикр-мулоҳазалари тингланиб, уларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

**Асхор ИСТАМОВ,**
**“XXI asr” мухбири**

O‘zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА



# ФЕРМЕР ВА КЛАСТЕР: МУАММОЛАРГА ЕЧИМ БОР, ФАҚАТ...

**ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O‘zLiDeP ФРАКЦИЯСИ ҲАМДА АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ҚЎМИТАСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

**УНДА АГРАР СОҲАДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ, ФЕРМЕР ҲЎЖАЛИКЛАРИ ВА КЛАСТЕРЛАР ЎРТАСИДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БОРАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ЮЗАСИДАН МАСЪУЛ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАРНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ.**

**Йиғилишни парламент қуйи палатаси Спикери ўринбосари, фракция раҳбари Актам Хаитов бошқарар экан, жумладан, шундай деди:**

*– Мамлакатимизда барча тармоқларда кластерлар фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, пахта-тўқимачилик, мева-сабзавотчилик йўналишларидаги мазкур фаолиятни янада такомиллаштириш, уларнинг қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишдаги масъулиятини ошириш, маҳсулот етиштирувчи ва уни қайта ишловчиларнинг манфаатдорлигини таъминлашга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.*

*2022 йилда республикада 134 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият юритган. 1 млн 032 минг гектар ер майдонида жами 3,5 млн. тонна пахта хомашёси етиштирилган. Ғаллачилик кластерлари сони 38 тага ошиб, 195 тага етган. Улар билан шартнома асосида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари томонидан 928 минг гектар ер майдонида ғалла парваришланиб, 6 млн 496 минг тонна ғалла ўриб-йиғиб олинган.*

*Шунингдек, мева-сабзавотчилик кластерларига бириктирилган 181,2 минг гектар ер майдонларидан 1,4 млн тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Шундан 454,4 минг тонна ички истеъмолга, 630 минг тонна қайта ишлашга ҳамда қиймати 265 млн долларлик 315,6 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспортга йўналтирилган.*

Йиғилишда депутатлар эришилган ютуқларни эътироф этиб, соҳада учраётган айрим муаммоларга ҳам алоҳида эътибор қаратишди. Депутатлар томонидан Фарғона, Наманган ва Тошкент вилоятларида ўтказилган ўрганишларда айрим муаммоли вазиятлар қайд этилган. Хусусан, ҳар бир кластерда ўртача 10-15 фоиз пахта ва ғалла майдонларини қисқартиш ҳисобидан аҳолига деҳқон хўжаликлари учун ажратилаётган ер майдонлари бугунги кунгача кластерлар ҳисобида тургани муҳокамаларга сабаб бўлди.



**Барнохон МИРЗАМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:**

*– Тошкент вилоятида олиб борган кузатувларимиз давомида соҳада бир қатор муаммолар – пахта ва ғаллага ихтисослашган фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртасидаги шартнома шартларига иккинчи тараф (кластерлар) томонидан амал қилинмаётганига гувоҳ бўлдик.*



*Фермерларга пахта ҳосили учун пулларнинг берилмаётгани, 2023 йил кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасида пахта хомашёси етиштириш ҳамда харид қилиш бўйича фьючерс шартномаси бир томонлама кластер манфаатига мос равишда ишлаб чиқилаётгани, ҳосилдорлик центнерлари ер балл бонитетидан келиб чиқмасдан белгиланаётгани, маҳсулотлар етиштириш харажатлари учун кластерларга ажратилган имтиёзли кредитларнинг фоизлари фермер хўжаликлари зиммасига юкланаётгани оғриқли масалалардандир.*

*Маҳсулотларни етиштириш бўйича имтиёзли кредитлар тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига ажратилса ва фермерларга ҳудуддаги исталган кластерлар билан шартнома тузишдаги тўсиқлар бартараф этилса, айни муддао бўларди.*

*Қолаверса, кластерлар ва фермер хўжаликлари ўртасидаги фьючерс шартномаларининг мутасаддилар билан келишилган шаклда намунавий лойиҳасини ишлаб чиқиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда шартнома тузиш эркинлигини бузиш, шартнома тузишга мажбур қилиш ҳолатлари учун жавобгарлик белгилаш зарур.*



**Одинахон ОТАХОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O‘zLiDeP фракцияси аъзоси:**

*– Шартномаларни қоғоз шаклда тузишдан воз кечиш ва электрон тартибда, ягона ахборот порталида рўйхатдан ўтказиш, унинг ижросини доимий мониторинг қилиб бориш бўйича тизим яратиш даркор.*

*Шунингдек, фермер хўжаликларига ва пахта-тўқимачилик кластерларига имконият яратиш мақсадида Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит ресурслари ҳисобидан тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри ер участкасига эгалик ҳуқуқи бўлган фермер ва кластерларга имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу билан бирга, бугунги янгиланиш даврида долзарб аҳамият касб этаётган барча пахта ва дон қабул қилиш масканларини янги, замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда пахта хомашёси ва бошоқли дон қабул қилишда амалдаги талабларни жаҳон стандлартларига мувофиқлаштириш замон талабидир.*

Шу куни бир қатор қонун лойиҳалари, жумладан, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси билан амалдаги “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Фермер хўжалиги тўғрисида”, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунларнинг айрим моддаларига ўзгартишлар киритилмоқда. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида тадбиркорлик фаолиятига оид ва сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муҳим қонунлар такомиллашади.

Баҳс-мунозараларга бой бўлган йиғилишда депутатлар кун тартибидаги масала юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олишди. Тадбир якунида билдирилган фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**
**“XXI asr” мухбири**

O‘zLiDeP ИШЧИ ГУРУҲЛАРИ

# БЕШ ЙЎНАЛИШДА ИШЛАР “БЕШ” БЎЛАДИМИ?

**Президентимиз ушбу ой аввалида водий вилоятларига ташрифи мобайнида ҳудудларнинг ҳар томонлама ривожланишига қаратилган бир қанча топшириқлар, кўрсатмалар берди. Муқобил энергетикани ривожлантириш, кластерлар, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича вазифалар шулар жумласидан.**

Албатта, партиямиз ўз дастурий мақсадларига ғоят ҳамоҳанг мазкур саъй-ҳаракатлардан четда туролмайди, чора-тадбирлар имкон қадар тез ва тўла-тўкис бажарилишига кўмаклашади. Икки ҳафта муқаддам бешта йўналиш бўйича O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар ана шу мақсадда ташкил этилди. Уларга партия фаоллари ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари бириктириляпти ҳамда вазифалар ижросига ёрдам бериш, бу борада жамоатчилик назоратни олиб бориш бўйича тадбирлар, ўрганишлар ташкил этиляпти.

“O‘zLiDeP Press Klubi” ҳам қатор сессияларини ана шу долзарб масалаларга бағишлаяпти. Шу ҳафтада бўлиб ўтган, тегишли ишчи гуруҳ аъзолари, депутатлар, олимлар, тадбиркорлар, банклар вакиллари иштирок этган мулоқотда энергия самарадорлигини таъминлаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш билан боғлиқ ишлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли ўсиши туфайли электр истеъмоли ҳам кундан кунга ошмоқда. 2017 йилдан буён хонадонлар 1 миллион 200 мингтага, корхоналар 324 мингтага кўпайган. Электр энергиясига талаб 35 фоизга ошган.

Тадбир давомида тижорат банклари томонидан 2023 йил давомида қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилиш учун аҳолига ва юридик шахсларга ажратилиши кўзда тутилган кредит маблағлари миқдори, фоизлари, турлари ҳақида ахборот берилди. Қайта тикланувчи энергия манбаларини жорий қилган субъектларга бериладиган солиқ имтиёзлари ва субсидиялар юзасидан ҳам батафсил тушунтиришлар берилди. Олимлар бу йўналишда амалга оширилаётган илмий изланишлар, янги лойиҳалар хусусида сўз юритдилар. Партия фаоллари вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар билан бирга энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш юзасидан кенг кўламли тарғибот ишларини жадаллаштириш ва жамоатчилик назоратини ўрнатишга келишиб олишди.





Парламент қуйи палатасидаги вакилларимиз ҳам бу ишга масъулият билан ёндашишяпти. Масалан, яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда аграр соҳада тадбиркорликни ривожлантириш масалалари, фермер хўжаликлари ва кластерлар ўртасидаги мавжуд муаммолар таҳлили, деҳқон хўжаликларини ташкил этиш борасидаги ишлар ҳолати атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда айрим муаммоларга эътибор қаратилди.

Партиямиз вакиллари муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифларни ўртага ташладилар. Бошқа масалалар бўйича ҳам аниқ, асосли таклифлар илгари сурилди.

***

**Аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш йўналиши бўйича ишчи гуруҳ вакиллари, O‘zLiDeP Наманган вилояти кенгаши, “Ишга марҳамат” моно маркази Наманган шаҳар бўлими, “Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциацияси Наманган вилоят бўлинмаси ҳамда “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати Наманган вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган йиғилишда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш юзасидан хотин-қизларни касб-ҳунарга ўқитиш ҳамда бандлигини таъминлаш юзасидан тизимли чора-тадбирлар бажарилиши юзасидан ахборот берилди.**

Наманган вилоятида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 950 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши, “Аёллар дафтари” билан манзилли ишлаш, мутасадди ташкилотлар томонидан хотин-қизларнинг муаммолари ўз вақтида бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширилиши тўғрисида маълумотлар берилди, қатнашчилар саволларига жавоб қайтарилди.

***

**Шу сингари тадбир Андижон шаҳридаги “Чинор” меҳмонхонасида – қуёш панеллари воситасида ўзини ўзи электр билан таъминлаётган тадбиркорлик субъектида ўтказилдики, шунинг ўзиёқ энг яхши тарғиботдир.**

Шунинг баробарида фаолларимиз Андижонда 41 та, Наманганда 32 та ва Фарғонада 27 та микро гидроэлектр станция қуриш имконияти мавжуд бўлган манзилларда лойиҳа ташаббускорлари аниқланишига кўмаклашмоқда ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатмоқда.

Нафақат корхона ва муассасалар, балки аҳоли хонадонларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш юзасидан тарғибот ишлари йўлга қўйилмоқда.

Мухтасар айтганда, партиямиз куч ва имкониятларини ишга солиб, дастурий мақсадларига уйғун топшириқлар, кўрсатмаларни амалий ишлар билан қўллаб-қувватлаяпти.



**Сардор МАРИПОВ,**
**O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳузуридаги дастурий кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва мафкуравий ишлар бўлими мудири**

ДЕПУТАТ БОНГ УРАДИ

# ИНФОРМАТИКА ДАРСЛАРИ КОМПЬЮТЕРСИЗ ЎТИЛЯПТИ!

**Президентимиз Мурожаатномасида алоҳида таъкидланганидек, мактаб таълимини халқаро таълим дастурлари асосида бутунлай ислоҳ қилиш, янги дарсликларни ишлаб чиқиш, илғор таълим стандартлари ва услубларини жорий этиш, миллий ўзлигимиз тимсоли, маънавиятимиз асоси бўлган она тилимизга эътиборни янада кучайтириш фурсати аллақачон келган. Янги Ўзбекистонда чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарнинг ортиб бораётгани ёшларимизнинг замонавий билимлар ва хорижий тилларни, айниқса, компьютер технологияларини мукаммал билишлари зарурлигини тақозо этмоқда.**

Хўш, 52 213 нафар чироқчилик ёш таълим-тарбия олаётган 127 та мактабда бу борадаги аҳвол қандай? Халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳимиз аъзолари 20 та мактабда бўлиб, ўқув жараёнлари, ўқувчилар учун яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдилар.

Аксарият мактабларда қишнинг совуқ кунларида иситиш тизими яхши ишламагани боис ўқув хоналари оддий печлар ёрдамида иситилди. Оқтош маҳалласи Паст Уйшун қишлоғидаги 69-, Паканди қишлоғидаги 6- ва 7-мактаблардаги аҳвол ёмон. Уйшун қишлоғидаги 63-мактабда 4 та иситиш қозонидан 2 таси олдин музлаб, кейин ёрилиб кетгани боис яроқсиз бўлиб қолганига гувоҳ бўлдик. Қўрғонтепа қишлоғидаги 120 ўринли 89-мактабда ўқув хоналари етишмаётгани сабаб болалар 2 сменада ўқишмоқда. Энг ачинарлиси, Лангар қишлоғидаги 91-, Тўлақул қишлоғидаги 55-, Тутли қишлоғидаги 90-мактабларнинг ўқувчилари ҳалигача компьютердан фойдаланиб кўришмаган, десак ишонасизми? Компьютер сабоқлари фақат суҳбат тарзида ўтказиларкан. 55- ва 91-мактабларда ичимлик суви йўқ. 90-мактабда дарс ўтиш учун синфхоналар етишмайди. Соҳил маҳалласидаги 13-мактабда бор-йўғи бир дона компьютер бор экан. Қаҳрамон қишлоғидаги 14-мактабда эса 2011 йилда ишлаб чиқарилган ягона компьютер ҳам директорнинг хонасида турибди. Мактаблар электрон доскалар билан таъминланмагани хусусида гапириш энди ортиқча.

Хайриятки, аномал совуқ анча чекинди. Бу ёғига энди баҳор нафаси сезиляпти. Кунлар аста-секин илиқлаша бошлади. Мактаблардаги иситиш тизимларини кейинги ўқув йилига қадар бир амаллаб таъмирлашар. Аммо компьютер кўрмаган болалар Янги Ўзбекистон тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучларига айлана олишадими? Биз бор-йўғи 20 та мактабдаги ҳақиқий аҳволни ўргандик, холос. Аммо бирортасида компьютер сабоқларини олаётган болаларни учратмадик. Ё электр токи ёки бўлмаса компьютернинг ўзи йўқ.

Юртимизнинг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши, ёш авлоднинг баркамол инсонлар бўлиб воя га етишлари учун амалга оширилаётган ислоҳотлар Чироқчи туманида жуда суст бораётганини тан олишимиз керак. Туман халқ таълими бўлими мутасаддилари бунга нима дейишаркан? Зеро, депутатларимиз яқин кунларда қолган мактаблардаги ҳолатни ҳам батафсил ўрганиб, халқ таълими бўлим мудирининг ҳисоботини эшитиш ҳамда туман кенгаши сессиясига масала киритиш юзасидан қатъий қарорга келди.

**Фарҳод ЭЛМУРОДОВ,**
**Халқ депутатлари Чироқчи туман кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари**

www.21asr.uz
@XXIasrofficial
XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
23-fevral 2023-yil 8 (1006)

YOSHLAR PARLAMENTI

**ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛИГИ УЧУН САЙЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ЖУДА ҚИЗҒИН БЎЛДИ.**

**НОМЗОДЛАР ПАРТИЯНИНГ 2023 ЙИЛ 19 ЯНВАРДАГИ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОРИ БИЛАН ТАСДИҚЛАНГАН "ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ – ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЁШЛАР ПАРЛАМЕНТИ АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА"ГИ НИЗОМ АСОСИДА ТАЖРИБАЛИ ВА ТАЛАБЧАН ҲАКАМЛАР ҲАЙЪАТИНИНГ ЧИҒИРИҒИДАН ЎТДИ.**

# ИШОНЧЛИ, МУНОСИБ 53 ИЗДОШ МАЙДОНГА ЧИҚМОҚДА!



**Шаҳноза ХОЛМАХМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

## СОҲАЛАРИ ТУРФА, МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК

Ёшларимизнинг сиёсий жараёнларда иштирок этишга бўлган қизиқишлари юқорилигидан ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида қувондим. Улар сайловолди дастурларини, режалари ва таклифларини тақдимот қилишди, савол-жавобларда ўз нуқтаи назарларини баён қилишди.

Партиямиз томонидан тавсия этилаётган йигит-қизларнинг 8 нафари тадбиркор, 71 нафари талаба, 13 нафари маъмурий бошқарув идоралари ходими, 28 нафари жамоат ташкилоти вакиллари, 9 нафари бошқа соҳа вакиллари экани ҳам эътиборга молик, албатта.

Масъулиятни яхши англаган ҳолда ёшларни саралаш давомида тенглик, очиқлик каби принциплар асосида суҳбат жараёнларини адолатли ташкил қилдик. Ўз сўзига, фикрига эга, тиришқоқ ёшларимиз парламент фаолиятида ҳам муносиб иштирок этиб, мақсадлари йўлида изланишдан, ўқиб-ўрганишдан тўхтамайди, деган умиддамиз.



**Сардорбек ҒИЁСОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**O'zLiDeP фракцияси аъзоси**

## ЭНГ САРАЛАР ЭНДИ БИР САФДА

Республика босқичида номзодларнинг ёшларга оид муаммоларга ечимлари, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлари, билими ва ҳозиржавоблиги билан бирга нотиқлик маданияти, лойиҳа мазмунини тингловчиларга тўлиқ етказа олишига эътибор қаратилди.

Шунингдек, партия имижини кенг жамоатчилик, хусусан, ёшлар орасида тарғиб қилиб, намунали хулқи билан бошқа тенгдошларига ўрнак бўлиб келаётгани ҳам баҳолаш мезонларидан бири бўлди.

Саралаш эркин ва қулай шарт-шароитларда ўтказилишини таъминлаш мақсадида ҳудудларнинг марказдан узоқликда жойлашганлик даражасини инобатга олиб, талабгорларга масофадан иштирок этишга ҳам имкон берилди.

Сайлов натижалари бўйича сараланган 53 нафар муносиб номзод Ёшлар масалалари бўйича комиссияга кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун тавсия этилди.



**Жамшид ЖАЛОЛОВ,**
**O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси**
**Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири**

## БУ МАРРАГА ЕТИШ ОСОН БЎЛМАДИ

Ўтказилган тарғибот ва ташвиқот тадбирлари натижасида сайловда жами 5 238 нафар ёш иштирок этиш истагини билдирган эди. Биринчи босқич якунларига кўра, туман (шаҳар) саралаш босқичи ҳакамлар ҳайъатининг хулосасига асосан жами 736 нафар иштирокчи сайловнинг иккинчи – ҳудудий босқичига йўл олди.

Саралаш босқичлари белгиланган талаблар асосида очиқ, ошкора ва холисона ўтказилди ҳамда иккала босқич якунлари бўйича ҳам иштирокчилардан шикоят мазмунидаги мурожаатлар келиб тушмади.

Талабгорлар орасидан энг фаол, ташаббускор, зукколари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларида ташкил этилган ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланиб, 129 нафари республика босқичида иштирок этиш учун йўлланма олди.



**Гулрухбону ШОКИРОВА,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси,**
**"Келажак бунёдкори" медали соҳибаси**

## ҲАМ СИНОВ, ҲАМ ИМКОНИЯТ

Сайловолди дастуримда мактаб ёшиданоқ болаларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида тегишли билимлар бериб, аҳоли ўртасида сиёсий саводхонликни ошириш;

– маҳаллалар ва таълим муассасаларида, партиянинг ҳудудий кенгашларида мунтазам тарзда интеллектуал ўйинлар, танловлар, викториналар ташкил этиш;

– "Ёш дипломатлар" клуби билан ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали дипломатия соҳасидаги ёш кадрлар сонини ошириш;

– юртимизда истиқомат қилувчи турли миллат вакиллари билан "Маданият алмашинуви" учрашувларини ташкил этиш, бу орқали хорижий тилларни ўрганишни кенгроқ тарғиб қилиш;

– партия доирасида "Медиасаводхонлик" клубларини ташкил этиш ва ҳар ойда ижтимоий тармоқ ва ОАВларда кичик лойиҳалар тайёрлаш;

– жамиятда хотин-қизларнинг роли ва мақомини ошириш, аёлларнинг дипломатия ҳамда сиёсат соҳасидаги билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Дипломат аёллар" ассоциациясини ташкил этиш каби ғояларни, таклифларни илгари сурдим.

Сайлов мен учун билимларимни яна бир бор синовдан ўтказиш, мустаҳкамлаш, мақсадимни янаям аниқлаштириш йўлида ажойиб имконият бўлди.



**Толибжон МИРЗАЖОНОВ,**
**Андижон туманидаги 3-мактабнинг**
**ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчиси**

## БЕЛЛАШУВ БИРЛАШУВГА ХИЗМАТ ҚИЛДИ

Саралашнинг якуний босқичи ҳам дўстона беллашув ва рақобат руҳида ўтди. Сайловда саноатни, деҳқончиликни ривожлантириш, кам таъминланган оила фарзандларини "1+1" дастури асосида тадбиркорларга бириктириш;

– ёш авлодга экологияга оид билимларни, тадбиркорлик сирларини босқичма-босқич ўргатиш;

ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича таклифлар киритиш;

– "Мен ёш тадбиркорман" шиори остида жойларда ўқув тренингларини ташкил этиш каби лойиҳа ва таклифлар билан иштирок этдим.

Жараёнда тенгқурлар билан дастуримизни, лойиҳаларимизни таққослаш, фикр алмашиш имконияти бўлди. Ўйлайманки, натижалардан қатъи назар, номзодлар ўртасидаги ҳамкорлик, ҳамфикрлик давом этади.

# Ҳудудлардан хабарлар

## БПТ: ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг тегишли қарорига асосан шу йилнинг 15 февралидан эътиборан бошланғич партия ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бошланди.

Мазкур муҳим жараён давомида БПТларнинг ўтган йилдаги фаолияти танқидий-таҳлилий кўриб чиқилиб, жорий йилда бажарилиши лозим бўлган устувор вазифалар юзасидан партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш режалаштирилган.

***

Пойтахтимизнинг Олмазор тумани "Shifo-Nur-Servis" хусусий фирмаси қошидаги "G'uncha Med" клиникасида ташкил этилган O'zLiDeP бошланғич ташкилотининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Ушбу қуйи бўғин ўтган йил давомида бир қатор амалий ишларга ҳам қўл урди. Хусусан, мазкур БПТ томонидан ёшларнинг бандлигини таъминлашга эътибор қаратилиб, 26 нафар ёш ишли бўлди. Клиника раҳбари, Халқ депутатлари Олмазор туман кенгаши депутати Раъно Ҳожимуҳамедова ташаббуси билан ҳар йили эҳтиёжманд оилалар учун бепул тиббий кўриклар ташкил этиб келинмоқда.

Йиғилишда қуйи бўғин томонидан амалга оширилган бу каби эзгу ишлар алоҳида эътироф этилди. 36 нафар партия аъзосини бирлаштирган мазкур ташкилотнинг 2022 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ижобий баҳоланди. Шунингдек, БПТ раиси ва ўринбосари қайта сайланди.

**O'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши**
**матбуот хизмати**

***

O'zLiDeP Ургут туман кенгаши таркибида 7900 дан ортиқ аъзони бирлаштирган 84 та бошланғич ташкилот фаолият олиб бормоқда. Мазкур қуйи бўғинларнинг барчаси халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи аъзолари, тумандаги ташкилотлар билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйган.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши ходимлари, депутатлар ва қуйи бўғин аъзолари иштирок этган ҳисобот-сайлов йиғилишида даставал БПТ раиси Абдуғаффор Мадаровнинг ҳисоботи эшитилди. Йиғилиш иштирокчилари ҳисоботни қониқарли деб топди ва уни БПТга яна раис этиб сайлади.

Шунингдек, Ургут "Ideal elektro lyuks", "Innovation med total" ҳамда "Urgut mikro metal" МЧЖлари қошидаги БПТларда ҳам ўтган йилда амалга оширилган ишлар юзасидан раислар ҳисоботлари тингланди.

Ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишлари давомида партия сафига кириш истагида бўлган яна 25 нафар янги аъзонинг рўйхати шакллантирилди.

**Жаҳонгир ХЎЖАМҚУЛОВ,**
**O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши**
**бўлим мудири**

***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Эмма Аслонова ўз сайлов округидаги Зарманоқ маҳалласида жойлашган 34-мактаб педагогик жамоаси, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, аёллар ва ёшлар билан учрашди. Учрашувда сўзга чиққанлардан И.Нарзиев Зарманоқ қишлоғида гузар барпо этиш, С.Комилова газ тармоғини қайта тиклаш, М.Аслонов чорвачиликни ривожлантириш мақсадида ер ажратиш, Р.Асроров Қози Саид қишлоғи ички йўлларини таъмирлаш ва транспорт қатновини йўлга қўйиш масалалари бўйича мурожаат қилдилар.

Ҳудуддаги 34-умумтаълим мактаби директори М.Болтаева сўзга чиқиб, билим даргоҳида 510 нафар ўқувчи таълим олаётганини, бу ерда ошхона ва спорт зали барпо этиш зарурлигини айтиб ўтди.

Аҳоли томонидан айтиб ўтилган масала ва муаммолар бўйича депутат Э.Аслонова томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ тегишли тушунтириш ишлари олиб борилди ҳамда депутатлик ваколатидан келиб чиққан ҳолда мутасадди ташкилот ва корхоналарнинг раҳбарларига депутатлик сўрови юбориладиган бўлди.

Шу куни "Зарманоқ" МФЙдаги O'zLiDeP қуйи бўғинининг навбатдаги ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Дастлаб БПТ раиси Гулнора Атоеванинг 2022 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Йиғилишда бошланғич партия ташкилоти томонидан амалга оширилган ишлар қониқарли деб топилиб, БПТ раислигига Г. Атоева қайта сайланди.

**Асхор ИСТАМОВ,**
**"XXI asr" мухбири**

***

O'zLiDeP Ангрен шаҳар кенгаши қошидаги 10-мактабда ташкил этилган БПТнинг ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Партиянинг таянч бўғини бўлган БПТнинг ҳисобот-сайлов йиғилишида ташкилотнинг ўтган йилда олиб борган фаолияти юзасидан ҳисобот тингланиб, унинг янги раиси ва ўринбосарини сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Йиғилишда сўзга чиққан БПТ раисининг ўринбосари Р.Мирзаев бугун мамлакатимизда ёшларга берилаётган эътибор, уларнинг сифатли таълим олиб, жамиятдаги ўрни ва мавқеини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани хусусида фикр юритди.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши иштирокчилари бошланғич партия ташкилоти раисини сайлаш тўғрисдаги масалани кўриб чиқишаркан, амалдаги раис фаолиятининг ибратли жиҳатлари, ўз ишининг етук мутахассиси экани, ўзининг мустаҳкам сиёсий позициясига эгалиги, инсоний фазилатларини инобатга олган ҳолда қайта сайлаш таклифини беришди. Таклиф бир овоздан маъқулланди.

Шунингдек, йиғилишда БПТнинг 2023 йил учун ишлаб чиқилган иш режаси ҳам кўриб чиқилиб, истиқболда биргаликда амалга ошириладиган чора-тадбирларда белгиланган вазифалар ўзаро тақсимлаб олинди.

**Зуҳро МИРЗОҲАМДАМОВА,**
**O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши**
**бўлим мудири**

## ТАЛАБАЛАР КАДРЛАР ЗАХИРАСИДА

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан "Янги авлод кадрлари" лойиҳасининг навбатдагиси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида ташкил қилинди.

Унда институтнинг Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари А.Ўтепбергенов, партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши бўлим мудири А.Аманбаев, Нукус шаҳар кенгаши аппарат раҳбари Б.Адилчаев, "Ёшлар қаноти" фаол аъзоси Д.Абдувасиев ва бошқалар мамлакатимизда кейинги йиллари ёшларга қаратилаётган эътибор, партия дастури, унда ёшларга берилган имкониятлар, хусусан, "Янги авлод кадрлари" лойиҳасининг мазмун-моҳияти, захира кадрларни шакллантириш ва уларнинг сиёсий билимларини ошириш, бизнес кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқитиш бўйича ҳам батафсил маълумот берилди.

Юзма-юз мулоқот жараёнида ёшларнинг ҳам фикр ва таклифлари тингланди. Тақдимот якунида талабалар партиянинг амалдаги ва истиқболли кадрлар захирасига киритилди.

**O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси**
**кенгаши матбуот хизмати**

ТАҲЛИЛ

# МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЗАРУРАТИ

**Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналишида маънавий тараққиётни таъминлаш, соҳани тубдан ислоҳ этиш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор мақсад ва вазифаларни бажариш кўзда тутилган. Президентимизнинг яқинда Фарғона водийси ва Жиззах, Бухоро вилоятларига ташрифи давомида жамиятимиз ҳаётининг бошқа соҳалари қатори маънавий тарбия ва сифатли таълим масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас.**

Инсон ҳаётида, айниқса таълим-тарбияда маънавиятга алоқадор бўлмаган жабҳанинг ўзи йўқ. Шундай экан, маънавият ҳар бир шахсга ўзлигини англаб олишда катта ёрдам беради, одамзотни улуғлаш, мартабасини кўтаришда таянч ва суянч бўлади. Бу жиҳатдан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва маънавий янгиланиш сиёсати давлатимиз томонидан жорий йилда ҳам ёшларимизнинг ташаббускорлиги, ижодкорлигини қўллаб-қувватлаш, ҳар бир ўғил-қизнинг ўз меҳнат натижаларидан баҳраманд бўлиши, ижтимоий салоҳиятини тўла-тўкис рўёбга чиқариши учун зарур имконият эшигини очиб беради.

Бугунги кунда сифатли таълим тизими орқали фозил кишилар авлодини шакллантириш вазифалари бошқа партиялар қатори O‘zLiDeP учун ҳам ниҳоятда долзарблашганининг яна бир исботидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йилнинг 20 декабрда Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида таъкидланганидек, **“Нажот – таълимда, нажот – тарбияда, нажот – билимда. Чунки, барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади”. Маърифатпарвар жадид боболаримизнинг бу сўзлари депутат ва сенаторларимиз, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, бутун давлат аппарати, кенг жамоатчиликнинг амалий ҳаракатига айланиши керак”.**

Ушбу фикрга асосланадиган бўлсак, Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналиши бўйича кўплаб давлат ташкилотлари, вазирликлар, фуқаролик институтлари билан ҳамкорликда тарбиялашга интилаётган баркамол авлод етук маънавий-маърифий хислатларга, юксак билим, кўникма, малака ва сифатларга эга бўлсагина, шитоб билан глобаллашиб бораётган бугунги дунёнинг талаблари даражасидаги ислоҳотчига, унинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучига айланади.

Дарҳақиқат, маънавиятга интилиш ҳар бир инсон учун моддий неъматларни ўзлаштириш, ейиш, ичиш, кийинишга нисбатан ҳам муҳимроқдир. Айни пайтда, маънавий қадриятлар ёшларимизнинг муайян мақсадга интилиши, келажакка томон ишонч билан бориши учун катта умид, куч ва қудрат бахш этади. Ана шундай омиллар асосида тарбияланган ёш авлод вакиллари миллий ва умуминсоний қадриятларга қатъий риоя этади, виждонли ва инсофли бўлади, ҳалол яшайди, нафақат ўз манфаати учун, балки давлат, миллат ва жамият манфаатлари учун ҳам меҳнат қилади. Бундай кишилар ўз халқининг бой тарихи, маданияти, урф-одати, меросини чуқур билиш, ўзлаштириш ва шу орқали камолотга эришишга интиладилар, юксак одоб-ахлоқли, маърифатли, маданиятли кишиларга айланадилар. Ватандошларига ҳиммату мурувват қилишни, ёрдамга муҳтож кишиларга кўмак бериш ва тўғри йўл кўрсатишни ўзлари учун бахт деб биладилар.

Буларнинг барчаси сафдошларимизнинг жорий йил давомидаги ишларини бир ўзанга солиш ва тизимли ташкил этишга қаратилган амалий фаолият дастуримизнинг асосий мезон ва устувор йўналишларини белгилайди, албатта. Алоҳида таъкидлаш жоизки, партиямиз бошланган йил дастурига Тараққиёт стратегиясининг бешинчи йўналиши бўйича “қуруқ қўл” билан келмади. Балки ўтган йилда ушбу соҳада ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, стратегиянинг 71–78- мақсадлари мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, республика миқёсида 730 дан ортиқ тадбирлар, танловлар, давра суҳбатлари, китоб тақдимотлари, маънавият кунлари, музей, маданият ва санъат марказларига ташрифлар ташкил этилди.

Айни пайтда бутун жамиятимиз каби партиямиз учун ҳам миллий маънавият ва маърифат соҳасини янада ривожлантириш борасида алоҳида эътиборни тортадиган баъзи долзарб муаммо ва масалалар сақланиб қолмоқдаки, уларнинг оқилона ечимини топиш жорий йилдаги фаолиятимизда, айниқса, O‘zLiDePнинг сиёсий таълим тизимида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиши зарурлиги шубҳасиз.

**Биринчидан,** мураккаб геосиёсий ва мафкуравий жараёнларнинг салбий таъсири ортиб, одамларнинг онги ва қалби учун кураш кучайиб бораётган бугунги кунда жамият ҳаёти ва маънавий қадриятларни маърифий йўл билан ҳимоялаш ишлари замон талаблари, ислоҳот ва янгиланишлар суръатидан ортда қолмаслиги зарур, албатта. Ушбу масалаларни ечишнинг партиявий усуллари ва воситалари, мавжуд имкониятлари самарасини ошириш зарурати O‘zLiDeP сиёсий таълим тизими фаолиятининг бош мезони ва устувор йўналишига айланиши лозимлиги давр талаби бўлиб қолмоқда.

**Иккинчидан,** халқимизнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавий қадриятлари ва маърифий меросини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон цивилизацияси билан уйғун ҳолда ривожлантириш, илм-маърифатга асосланган эркин ва мустақил тафаккур тарзини жамиятнинг ҳар бир аъзосида шакллантириш, Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий маконда тутган ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш масалалари янада долзарблашмоқда.

Бу борада энг асосий партиявий вазифамиз ота-боболаримиз томонидан минг йиллар давомида яратилган одоб-ахлоқ қоидалари, азалий анъаналар, миллий қадриятларимизнинг йўқолиб кетиш хавфи юзага келаётгани учун ушбу соҳадаги хавф-хатарларни бартараф этиш заруратини англаш ва мазкур жабҳага алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи билан боғлиқлиги шубҳасиз.

**Учинчидан,** партиямиз сиёсий таълим тизимида мамлакатимиз тинчлиги, жамиятимиз барқарорлиги, умуминсоний мезонлар ва қадриятларимизга қарши қаратилган, миллий ўзликни англаш, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ҳаёт тарзини барбод қилишга йўналтирилган таҳдидларга қарши курашишнинг самарали усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, қўллаш ишлари ҳам замон талабидан ортда қолмаслиги даркор.

Бугунги кунда юз бераётган мураккаб маънавий-ғоявий жараёнларнинг мазмун-моҳиятини англаш даражасининг пастлиги, бу борадаги яхлит тушунча ва тасаввурларнинг етарлича шаклланмагани терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, “оммавий маданият”, наркобизнес каби турли трансчегаравий таҳдидларга қарши курашишда маънавият ва маърифат омилидан самарали фойдаланиш имкониятини янада оширишни талаб қилмоқда.

**Тўртинчидан,** ҳозирги вақтда ижтимоий-маънавий муҳитни илмий асосда таҳлил қилиб, янада такомиллаштириш бўйича партиявий тизим ва тузилмаларни самарали ишлатишни даврнинг ўзи талаб этмоқда. Бунда, айниқса, бошланғич партия ташкилотларида маънавият фидойилари билан бир қаторда, соҳа ривожига қаратилган таъсирчан тарғибот технологияларини ишлаб чиқиш салоҳиятига эга бўлган, замонавий руҳда, кенг фикрлайдиган мутахассисларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар ҳозирлаш ишлари ҳам долзарблигича қолмоқда. Соҳанинг стратегик аҳамияти тобора ортиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мазкур жабҳадаги серқирра фаолият нафақат O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, балки барча вилоятлар ва туманлар, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари ҳамда фаолларимизнинг ҳам энг муҳим вазифасига, кундалик ишига айланиши керак.

**Бешинчидан,** партиямиз фаолиятида оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, глобал интернет тармоғи орқали тарқатилаётган бузғунчи ғоялар, ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, ёшларни залолатга бошловчи “жозибадор” тасвирлар ва медиа маҳсулотлар тарқалишининг олдини олишга қаратилган маънавий-маърифий ва ғоявий-тарбиявий ишлар натижадорлигини сезиларли даражада ошириш лозим.

Бу борада маънавий-маърифий масалаларни ҳал қилиш, унинг тарғиботи йўлидаги тадбирларни ташкил этиш бўйича давлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ва хусусий сектор билан ҳамкорликнинг етарлича йўлга қўйилиши ҳам ишлар самарасига таъсир кўрсатаётган камчилик ва нуқсонларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Маънавий-маърифий тарғибот борасида ОАВнинг қандай катта таъсир кучига эга эканини аксарият сафдошларимиз яхши тушунади, албатта. Аммо партиямизнинг вилоят ва туманлардаги фаолиятида бу кучдан ҳамма вақт ҳам самарали фойдалана оляпмизми? Унутмаслигимиз керакки, босма нашрлар ва ижтимоий тармоқларда холис ахборотларнинг ўз вақтида бериб борилиши айрим кимсалар тарқатаётган ёлғон маълумотларнинг олдини олади. Бунинг учун партиямиз тизимида ташкил этилган ахборот хизматлари фаолиятини янада кучайтиришимиз лозим.

O‘zLiDePнинг қанчадан-қанча ватанпарвар зиёлилар, олимлар, ижодкорлардан иборат аъзолари ва фаоллари бор. Бугун уларнинг бошини қовуштириб, фаолиятини мувофиқлаштириш ишларини янги босқичга кўтаришни замоннинг ўзи талаб қилмоқда. Етук зиёли сафдошларимиз ва фаолларимиз, туб янгилаишларнинг мазмун-моҳиятини холис ва таъсирчан тарзда халқимизга етказишда партиямизнинг асосий кўмакчиларига айланиши учун тинимсиз ҳаракат қилишимиз зарур.

Агар бирор-бир сафдошимиз “Бу борадаги фаолият фақат “XXI asr” газетаси ёки сиёсий таълим бўйича масъулларнинг иши”, деб ўйласа, ниҳоятда катта хато қилади. Ушбу жабҳадаги фаолият кўлами ва муҳимлиги жиҳатидан бутун O‘zLiDeP сиёсий тизимининг, барча-барчамизнинг энг асосий ва устувор вазифамиздир. Бу ҳақиқатни ҳаммамиз чуқур тушунсак ва ўз фаолиятимизни шу асосда олиб борсаккина, Тараққиёт стратегиясининг маънавий-маърифий соҳадаги мақсад ва вазифаларини самарали, муваффақиятли адо этишдек партиявий ва фуқаролик масъулиятимизни бажарган бўламиз.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига 2022 йилнинг 20 декабрдаги Мурожаатномасида қуйидаги фикр бежиз таъкидланмаган: **“Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир. Юсуф Хос Ҳожиб бобомиз айтганларидек: “Заковат бор жойда улуғлик бўлади, Билим бор жойда буюклик бўлади”. Шунинг учун ушбу соҳада бошлаган ислоҳотларимизни давом эттиришимиз, таълим даргоҳларига бориб, ўқитувчи ва мураббийлар билан кўпроқ мулоқот қилиб, ўқув-тарбия ишлари сифатини ошириш бўйича улар қўйган масалаларни биргаликда ҳал этишимиз керак”.**

Мазкур кўрсатмадан келиб чиқиб, O‘zLiDeP фаолиятида жорий йилда ушбу йўналишига доир мақсадларни бажаришда қуйидаги долзарб вазифаларга алоҳида аҳамият қаратиши зарур:

*1) Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ишларини янада самарали ва тизимли ташкил этишни давом эттириш;*

*2) партия ташаббуси билан “Янги Ўзбекистоннинг Маънавий тараққиёт стратегияси”ни ҳамда уни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этилишини таъминлаш;*

*3) мамлакатимизда янги маънавий маконни шакллантириш бўйича ишлар самарасини юксак даражага кўтариш ва бу борада ёш авлод тафаккурини шакллантириш мақсадида мактаб ўқувчилари учун “Янги Ўзбекистон – янги маънавий макон” суратли-изоҳли рисолалар туркумини тайёрлаш ва чоп этиш;*

*4) БМТнинг “Ахлоқ кодекси”ни мамлакатимиз ҳаётида қўллаш ва имплементация қилиш мақсадида “Янги Ўзбекистон жамиятининг маънавият кодекси”ни яратиш ва унинг амалиётини таъминлаш;*

*5) “Ўзбекистон Республикасининг маънавият соҳасидаги давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва самарали амалга оширилишини таъминлаш;*

*6) “Янги Ўзбекистоннинг маънавий тараққиёт стратегияси” туркумида таълим-тарбия модули, китоблар, луғат ва рисолалар тайёрлаш ва чоп этиш ишларини йўлга қўйиш, шу мақсаддаги илмий-тадқиқот ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;*

*7) “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси мазмун-моҳияти ва уни амалга оширишнинг долзарб вазифалари” мавзусида доимий фаолият юритадиган республика онлайн илмий-амалий конференцияни ташкил қилиш;*

*8) Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотларида маънавият соатларини янада самарали ташкил қилиш ишларини тизимли йўлга қўйиш.*

Булар билан бирга, бугунги кунда ёшларимизнинг маънавий қиёфасида аллома боболаримизнинг бой маданий меросига ҳурмат руҳини кучайтириш, уларнинг онгу-тафаккурида тарихий хотирани тиклаш ва миллий ғурур туйғусини мустаҳкамлаш каби масалалар ҳам кун тартибига чиқаётгани сир эмас. Айни шу маънода мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнида, аввало, миллий руҳиятимиздаги авлодлар ворисийлиги, ёвқур аждодларимиз, айниқса, жадид боболаримиз меросини чуқур ўрганиш ва шу асосда миллий манфаатларимизга содиқ ёш авлодни шакллантириш вазифаси ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жараёнда ёшларнинг билимли бўлиши ва ижтимоий фазилатлари қандай аҳамият касб этади, деган саволга жавоб топиш ниҳоятда муҳим. Негаки, билим таълимнинг, фозиллик эса тарбиянинг маҳсули сифатида, пировард натижада ёшларимизнинг қандай инсонлиги, бугунги кун талабларини қай даражада англаётгани ва ўзларида қандай сифатларни тарбиялаётганини кўрсатувчи асосий мезонлардан ҳисобланади. Билимдон кишилар онгга ва илмга, фозил кишилар эса ақлга ва виждонга кўпроқ куч берадилар.

Азалдан халқ билимдон кишиларни ҳурмат ва иззат қилган бўлса, фазилатли кишилар таъсирида ҳаракатга келган ва кўп ҳолларда уларга эргашиб, эзгу мақсадларига эришган. Партиямиз сафларида айнан ана шундай фозил инсонлар, фаол партия аъзоларининг янада кўпайиши ва бундай ёш партиядошларни сифатли тарбиялаш лозимлиги бугунги куннинг талабига айлангани шубҳасиз.



**Қиём НАЗАРОВ,**
**фалсафа фанлари доктори, профессор**

ФИДОЙИЛАР

# 43 НАФАР ХОТИН-ҚИЗНИ “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДАН КИМ ЧИҚАРДИ?

**O‘zLiDeP Касби туман кенгаши “Аёллар қаноти” фаоли Латофат Қўйлиевага Таллиюлғун маҳалла аҳолиси “Нажоткор Латофат” деб ном қўйиб олишган. Сабаби, унга мурожаат этган одамлар молиявий кўмак олиб, чорвачилик, парандачилик, тикувчилик, боғдорчилик билан шуғулланиб, рўзғорига барака киритаётир. Партия фаоли маҳалладаги ҳар бир оиланинг турмуш шароити, бандлиги ҳамда муаммоларини беш қўлдай билади. Уларнинг имконияти, иқтидори ва шароитига қараб кўмаклашишга ҳаракат қилади.**

Маҳаллада 2 453 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 1 470 нафари хотин-қизлар. Ўтган йили 43 нафари “Аёллар дафтари”га киритилган эди. Латофат йил бўйи уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида тиним билмади. Икки нафар кам таъминланган оила бекасига субсидия асосида 20 миллион сўмга жўжа инкубатори олиб берди. Зилола Қурбонова 21 миллион сўм кредит олиб, наслли қўй харид қилди. Лариса Рўзиева 6 миллион 600 минг сўм кредит ҳисобига 100 бош паррандали бўлди. Насиба Мирзақулова кредит эвазига чармга ишлов берадиган замонавий ускуналар келтирди. Энди унинг оиласи чармдан сумка ва кийим-кечаклар ишлаб чиқаради. Қолганларига ҳам молиявий кўмак ажратилгач, чорвачилик, тикувчилик, иссиқхонада сабзавот етиштиришни йўлга қўйишди. Йил якунига келиб, уларнинг барчаси рўйхатдан чиқарилди.

Якунланган йилда аҳолига жами 786 млн сўм кредит ажратилган бўлса, шундан 143 миллион сўми оилавий тадбиркорларга берилди. Натижада хотин-қизлар учун 57 та янги иш ўрни яратилди. Қишлоқ аёллари ҳунармандчилик, миллий каштачилик, чопончилик билан шуғулланиб, яхшигина даромад топишяпти.

– Йиғинимиз аҳолиси меҳнатсеварлиги, уддабуронлиги билан бошқа ҳудуддагилардан ажралиб туради, – дейди Касби туман ҳокимининг “Таллиюлғун” МФЙдаги ёрдамчиси, БПТ раиси Латофат Қўйлиева. – 598 нафар томорқа ер эгалари бўлиб, бирорта хонадонда бўш турган жойни кўрмайсиз. Эрта баҳордан то қора қишгача ҳовлисида ишлайди. Картошка, саримсоқ пиёз, сабзавот етиштиришда таллиюлғунликларнинг олдига тушадигани йўқ. Имомназар Бердиев анжир, Зилола Қурбонова анор етиштиришнинг ҳадисини олган. Иссиқхоналар сони йил сайин кўпаймоқда. Яқинда туман кенгашимиз раиси, таниқли тадбиркор Насрулло Худойбердиевнинг хонадонида бўлиб, иссиқхонада сабзавот ва цитрус мевалар етиштириш борасида амалий машғулотлар ташкил этдик. Отаси 90 ёшли Ғайбулла бобо узоқ йиллик тажрибалари билан ўртоқлашди. Ёшларга лимон кўчатидан туҳфа қилди. Ёш тадбиркор Умиджон Лутфуллаевга иссиқхона ташкил этиш учун 16 миллион 200 минг сўм кредит олиб бердик. Ўндан ортиқ оиланинг бизнес режаси тайёр. Ҳадемай улар ҳам тадбиркорликни бошлайди.



– Аёлларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий ролини ошириш ва бандлигини таъминлаш бугуннинг устувор вазифаларидан бири экани Президентимизнинг Мурожаатномасида алоҳида таъкидлангани бежиз эмас, – дейди O‘zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Арзиқул Шеров. – Партиямизнинг қатор лойиҳаларини амалга татбиқ этган ҳолда хотин-қизларга касб-ҳунар ўргатиш, оилавий тадбиркорликка йўналтиришга эътибор қаратяпмиз. Опа-сингилларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, иқтидорини намоён этиши учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида “Аёллар қаноти”нинг фаол аъзоларига таянмоқдамиз. Латофат каби жасоратли фаоллар тажрибасини бутун воҳа бўйлаб тарғибот қилишни бошлаб юбордик. Яқинда Таллиюлғунда ана шундай тадбирлардан бирини ташкил этдик. Анжуманда хотин-қизлар бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этаётган партиявий лойиҳалар ҳақида батафсил маълумот берилди. Илгари воҳамизда саноқли иссиқхоначи тадбиркорлар бор эди. Бугунги кунга келиб, эркаклар билан теппа-тенг беллаша оладиган иссиқхоначи аёлларимиз кўплиги қувонарли. Уларнинг аксарияти партиямиз “Аёллар қаноти” фаоллари саналади.

Ҳа, бугун Таллиюлғунда Латофат Қўйлиеванинг ташаббускорлиги боис аҳоли бандлиги ва фаровонлиги кун сайин ортмоқда. Бошқа ҳоким ёрдамчилари ҳам зиммасидаги масъулиятни шу аёлчалик ҳис этиб, одамларнинг дарду ташвишларини аритиш йўлида камарбаста бўлсалар, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни жадаллаштиришга муносиб ҳисса қўшган бўлишарди.

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
**“XXI asr” мухбири**



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

# ЭРКИНЛИК БОШҚА, БОШБОШДОҚЛИК БОШҚА, ФИКР БОШҚА, МАҲМАДОНАГАРЧИЛИК БОШҚА,

## – ДЕЙДИ ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ, ШОИР ЭШҚОБИЛ ШУКУР

*Дунё катта ўрмон. Умумий маконда умумий ва шахсий чегарани белгилаб олиш муҳим. Чегара унутилган жойда мавҳумлик бошланади. Тафаккур эса аъмол ва қиёфамизни, мақсад ва маслагимизни, уфқимизни равшанлаштириб туради. Илдизини ҳис қилган инсон бугунги манзаралар олдида келажак оғриқларини туюши тайин.*

**– Бозорга борган одам пулига қараб нарса танлайди. Интернет фойдаланувчисида бу қонуният ўзгачароқ. Ахборот уммонига ҳар қандай инсон ҳам ғарқ бўлиши мумкин. Бугунги манзара олдида кўнглингиздан нималар ўтади?**

– Мирзо Бедилнинг "Кўринмаган сувга қўлингни ювма", деган мисраси бор. Ҳозир айнан кўринмаган сувга қўл ювиш урф бўлди. Шовқин-сурон кўп, сокин мулоҳаза йўқ. Гап кўп, фикр йўқ. Ҳолбуки, бир вагон гапдан кўра бир чимдим фикр авло. Шунинг учун ўйлаб-нетиб ўтирмай, дуч келган нарсанинг изидан лўкиллаб югуриб кетавериш, ҳовлиқмалик, фаросатсизлик авжга чиқяпти. Эркинлик бошқа, бошбошдоқлик бошқа, фикр бошқа, маҳмадонагарчилик бошқа. Одамнинг дунёга, умуман ҳамма нарсага муносабатини унинг ички маданияти белгилаб беради. Аслан маданиятли одам зулматдан ҳам нур ахтаради, бундан мосуволар эса ҳар нарсадан, жумладан, интернетдан ҳам, иллат, фисқу фужур топади.

XX асрда кино дунёни забт эта бошлаганида Ғарб файласуфларидан бири "Кино бизни кўришга ўргатди, лекин қарашдан жудо қилди", деган эди (ҳолбуки, ўша пайтдаги фильмлар ҳозиргидан кўра анча тузук бўлган). Дарҳақиқат, кўриш ва қараш бошқа-бошқа тушунча. Бир кунда минг-минглаб нарсаларни кўрамиз, лекин шундан бор-йўғи уч-тўрттасига қараймиз. Қарашда дунёқараш, фикр, ички муносабат, ҳатто туйғу иштирок этади, кўришда эса ундай эмас. Дунёнинг машҳур кинокомпаниялари Габриэл Гарсиа Маркесга "Ёлғизликнинг юз йили" романи асосида бадиий фильм ишланиши учун рухсат маъносидаги биттагина "хўп" сўзи учун миллионлаб доллар ваъда қилишганда адиб, эҳтимол, айни кўриш ва қараш орасидаги тафовутни ҳисобга олиб, "Йўқ!" дегандир.

Қуёшнинг чиқиши ва ботишини, далаларни оппоқ қор қоплаганини, осмонда порлаган юлдузларни одам кўрса-ю, ҳеч нарсани ҳис қилмаса, бу навбатдаги кўрликнинг бир тури эмасми? Аввалги замонда одамларни қарашга эмас, кўришга мослаштирадиган восита битта кино бўлган бўлса, бугун уларнинг ҳисоби йўқ. Ахборот очкўзлиги даврида қараш бутунлай инқироз гирдобига кирди. Бугун қалбий сезги емирилиб боряпти.

Бунинг устига, интернетда саводсизлик, она тилимизга ҳурматсизлик авжга миняпти. Баъзи буюкликка даъвогарларнинг отини тўғри ёзиши амримаҳол. "Youtube"даги бир соату қирқ минутлик кўрсатувнинг сарлавҳасига қаранг: "Интернетни йиғлатган бухоролик қизалоқ оила". Шўрлик жумла, бечора тил. Ёғлаш билан йиғлашнинг фарқига бормаган одам қандай қилиб журналистлик ё блогерлик қила олади? "Бухоролик қизалоқ оила" деганини айтмайсизми? Интернет қандай йиғлайди ахир? Афсуски, ўзбек интернет сегментида ўзбек тилига бу каби ҳурматсизликлар сон мингта. Аввал ўқиш-ёзишни ўрган-да, кейин ўртага чиқ, оғайни, дейдиган одам йўқ.

"Нима бўпти, шунга ота гўри қозихонами, бадхатлик билан бўлса-да, айтадиган гапини амал-тақал қилиб тушунтирса бўлди-да", дегувчилар ҳам топилади. Лекин бу ҳол минглаб ёшларнинг савиясини, дидини бузиши ҳақида ўйлашмайди. Шу ўринда бир афсонани эслаб ўтиш жоиз. Урушда қаҳрамон жангчи душмандан енгилади, бу мағлубиятга тақачи унинг оти тақасига битта михни кам ургани сабаб бўлади. Миллий тафаккурда ҳам баъзан битта кичик хато ўша урилмай қолган михдай нохуш оқибатга олиб келиши мумкин.

**– Илгари инсонларда андиша деган муҳим парда бўлган. Бошқаларга имкон қадар шу парда ортидан кўринишга ҳаракат қилинган. Атрофни кузата туриб, замондошларимизнинг маънан яланғочлашиб, маънан қашшоқлашиб бораётганига гувоҳ бўламиз. Сизга ҳам шундай туюладими?**

– Мени андиша туйғуси кўп ўйлантиради. Ҳозир бу туйғунинг отини чаппа қўяётганлар бисёр. Бири "қўрқоқ" деса, бири "ночор", "ожиз" дейди. Устидан куладиганлар ҳам кўп. Менга андиша энг мазлум туйғу бўлиб кўринади. Унинг ғамгин ҳолатини ҳис этаман. Одамзот андишага ўз синглисига қарагандай авайлаб муносабат қилиши керак. Йўқса, кўп нарсадан жудо бўлади.

***Мунчалар маъюссан синглим, Андиша,***
***Ғамгин кўзларингда маржон-маржон ёш.***
***Лабларинг пирпираб турар ҳамиша,***
***Икки жаҳон аро бир жонинг талош.***

***Шамолдаги шамдай титраб турасан,***
***Маъсума кўнглингда оташин оҳлар.***
***Билмам, қай меҳробга бошинг урасан,***
***Ортингда таъқиблар, олдингда чоҳлар.***









Бошқа туйғулар ҳам хатарда қолган. Шунинг учун қуруқлашиш, сохталашиш, маънавий яланғочлашиш кучайиб боряпти. Қадимги хитойликларнинг бир насиҳати бор: "Минг йил соя бўлиб юрма-да, бир кун одам бўл!" Инсонни инсон сифатида тутиб турган куч туйғулардир. Чунки улар ботинимизни Худо билан боғлаб туради.

Баъзан, йўқ, баъзан эмас, кўпинча самимийлик билан маҳмадонагарчиликнинг фарқига бормай қоляпмиз. Натижада ким кўп лаққилласа, ўшани ҳаммадан ақлли деб ўйлаяпмиз. Ғавсул Аъзам "Менинг сукутимни англамаган одам сўзимни англамайди", деб бекорга айтмаган.

**– Давлатимиз раҳбарининг "Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир", деган эътирофи бор. Бугунги маънавиятли инсон деганда кимни тушунасиз, унинг бурчи нималардан иборат?**

– Мен бу борада боболарим ва момоларимни эслайман. Бугун ўйлаб қарасам, аслида улар ҳақиқий маънавият тарғиботчилари бўлишган экан. Қойил қоладиган жиҳати шундаки, улар маънавият ҳақида кўп гапирмай, бизга маънавиятни сингдирган, Ватан ҳақида маъруза қилмай, Ватан туйғусини сингдирган. Сувга, Ерга, Элга, ўтмишга, ҳаётга қандай қараш кераклигини, уят ва андиша нима, номус ва ор нима, буларни ўзларининг амаллари, хатти-ҳаракатлари билан аста-секин қон-қонимизга сингдириб борган. Бу донишмандона усул. Бугунги маънавият тарғиботчиси маънавиятни қизил ва қуруқ, бақироқ сўзга айлантириб қўйишдан сақланиши керак. Маънавият унинг ичидаги дарди бўлиши керак. Дардки, боласига васиятдай ўтадиган дард. Дардки, ҳаётининг маъносига айланган дард. Маънавият ҳақида гапирилаётганда уч хил ҳолат кўриниш беряпти: самимийлик, бефарқлик, маҳмадонагарчилик. Ҳамма гап худди шу самимиятда.

Яна бир нарсани айтиб ўтишни истардим. XXI асрга келиб, ватан ҳақидаги қарашлар ҳам глобаллашяпти, жўнлашяпти. Дарахтларнинг илдизлари ўзлари билан. Одамларнинг илдизлари қабристонда. Ота-боболари, қариндош-уруғлари ётган жойда. Қишлоғим қабристонига зиёратга борганимда ўз илдизларимни ҳис этаман. Бу нарса Ватан тушунчасининг муҳим бир қисмидир. Бугунги кунда урчиб кетаётган "Қаерда яшаш яхши бўлса, маишат яхши бўлса, ўша ер Ватанинг" деган мулоҳаза ҳақида ўйлаганимда шу гаплар кўнглимга келади. Буни замонавий қараш дегувчилар ҳам бор. Йўқ, бу замонавийлик эмас, хоинлик бу!

**– "Бобосўз изидан" китобингиз маънавий бисотимизга катта мерос бўлиб қўшилди. Тилимиз қайғуси бўлганки, шу мавзуга қўлургансиз. Мустақилликка эришганимизга ўттиз йилдан ошди, мамлакатимиз иқтисодий жиҳатдан ўнгланиб олди, лекин бу борада қашшоқлашиб боришимизга нималар сабаб деб ўйлайсиз? Бугун ҳам она тилимиз учун кўнгилдагидек ғамхўрлик қиляпмизми?**

– "Бобосўз изидан", бу – менинг изтиробим. Анча олдинроқ тилимиз ғариблашиб кетаётганини сезганман. Хусусан, ёшлар тили қуруқ ва ҳиссиз ҳолга тушиб, жўнлашиб қолган. На ранг бор, на жозиба. Илгариям айтганман, яна минг марта қайтариб айтишга тайёрман, битта сўз ё мақолнинг яралиши учун минг йиллар керак бўлган, уни йўқотиш учун эса ҳозир ўн йил кифоя қилади. Танангизга бир ўйлаб кўринг, бир неча минг йиллар давомида йиғилган хазиналарни бир неча ўн йилда бой бериш... бу нима дегани? Минглаб қадимий сўз ва ибораларни жимгина гўрга тиқиб кетаверамизми? Она тили учун кураш бу – миллат учун кураш, Ватан учун курашдир. Она тилининг ҳолати қандай бўлса, халқнинг ҳам, Ватаннинг ҳам ҳоли шундай бўлади.

Ғарб таъсири ўзаро суҳбатларимизга ҳам шиддат билан кириб келди. Буни биргина мисол билан кўрсатиб ўтишим мумкин. Масалан, чет эл киноларида, китобларида фавқулодда ҳолатда ҳам, бўлар-бўлмас вақтда ҳам, ҳатто қоқилиб кетганда ҳам "Жин урсин" иборасини қўллайдилар. Бизда эса бундай вақтларда одатда "Ё, Худо!" дейишади. Муҳим фарқимизни кўрсатадиган ҳолат бу! Аммо кейинги пайтлари кундалик муомаламизда кино ва сериаллар таъсирида "Жин урсин" ибораси жуда фаоллашиб кетди. Аждодларимиз баъзи ибораларни ирим қилиб тилга олишмаган. Лекин шу иримда ҳам маданият ва ният бўлганини пайқаш қийин эмас. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин.

**– Адабиёт майдонида кўпдан бери фавқулодда ҳолат олдидаги жимлик ҳукм сураётгандай, аммо ҳеч нарса "содир" бўлмаяпти. Ўқувчининг диди ўсиб кетдими ёки чинакам ҳайратлантирувчи асарлар яратилмаяптими?**

– Ўқилмаяпти. Яхши китоблар ёзиляпти, ўқилмаяпти. Ўқилмагандан кейин дурдона ҳам очилмайди. Бизнинг ёшлигимизда билмасвойлар ҳам ўқирди. Бунинг устига, интернет дидсизликни кучайтириб юборди. Тилла билан тезакнинг фарқига бормайдиган одамлар урчиб кетяпти. Хоҳлаган одам хоҳлаган тутуриқсиз нарсасини шеър деб, ҳикоя, роман деб эълон қилаверади. Натижада савиясиз чапаквозлар кўпаяди ва улар Абдулла Орипов билан жўқивойнинг фарқига боролмайди. Иккисини битта шоҳсупада деб билиш фаросатнинг уйи куйгани эмасми? Катта адабиётнинг пайдо бўлиши учун катта ўқувчилар ҳам керак.

**– Барча санъат турлари битта илдизга – фольклорга бориб бирлашади. Халқ оғзаки ижодининг бугунги қадри, ўрни Сизни қониқтирадими? Фольклорсиз ҳаёт нималардан маҳрум бўлади?**

– Сув уч хил шаклда: суюқ, буғ ва муз кўринишида намоён бўлади. Уч хил ҳолатида ҳам гўзалдир. Менимча, бунга сабаб сувнинг моҳияти гўзаллигидир. Ҳамма нарсада моҳият гўзал бўлдими, бас, ҳар қандай тарзда гўзал бўлади. Райҳоннинг ҳатто ўлиги ҳам, чириги ҳам хушбўй, чунки у жаннати деб ёзганимда айни шуни назарда тутганман.

Халқ оғзаки ижоди ҳам шу сувга ўхшайди. Ҳамиша, ҳар қандай ҳолатда моҳияти гўзал. Фольклорсиз ҳаёт илдизсиз дарахтдай гап. Буни биргина алла мисолида кўришимиз мумкин. Бешикда сингдирилган алла одамга тобутига қадар руҳан ҳамроҳлик қилади.

**– Атрофдаги муаммо, оғриқлар ижодкорнинг қалбини уйғотиб туради. Бугунги қалам аҳлининг аъмоли нималар бўлиши керак?**

– Ҳамманинг кўзи тошга айланганда ҳам, шоирнинг кўзида ёш туради. Бу менинг кейинги йилларда келган хулосаларимдан бири. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Сиз айтаётган аъмоллар ўша кўздаги ёш билан, дард ва изтироб, инсон ва дунё муаммолари билан боғлиқ. Румий айтганидай: "Дард бўлмаса, Исо туғилмас эди". Суҳбатимизни Бедил билан бошладик, Бедил билан тугатайлик. Мирзо Бедил ёзган: "Буғдойдан сўрадим: Нега ҳамиша кўзинг юмуқ? Буғдой деди: Не қилайки, кўзимни очсам, қошимда тегирмон кўринса..." Бу ҳикмат мени мудом ўйлантиради. Дунёнинг ўзи шу-да! Мен айни дақиқаларда юмуқ кўзлар ва уларнинг қаршисида турган буюк тегирмонни тасаввур қиляпман.

**Наргиза ОДИНАЕВА**
**суҳбатлашди.**

ИФТИХОР

# Биздан кўра кучли ва билимли

**Асли касбим журналист бўлгани учунми, ёшлигимдаёқ адабиёт, тарих, табиатга дахлдор фанларни яхши кўрардим.**

Айниқса, мактабда ўқиб юрган маҳалларим қишни, февраль ойи келишини интиқ кутардим. Чунки бу ойда улуғ боболаримиз Алишер Навоий ва Бобур ҳазратларининг таваллуд кунлари тантанали нишонланар, уларнинг ижод намуналарини меҳр билан ўрганиб, ёд олардик. Билмадим, муаллимларимиз ҳам ўзгача муҳаббат билан икки буюк аллома, авлиё даражасидаги зотлар номини фахр билан тилга олсалар-да, негадир сал чўчинқираб ёндашганини тушунмасдик. Кейин англаб етдик, ўша замонларда Навоийдан тортиб, Аҳмад Ясавий, Амир Темур ва бошқа юзлаб боболаримиз ҳаёти, ижодини ўрганиш тақиқланган экан. Хайриятки, мустақиллик йиллари арафасида ва кейинги истиқлол даврига келибгина унутилган бой ўтмиш ва бор ҳақиқатлар аста-секин юзага чиқди. Бугун боғча боласидан сўрасангиз ҳам, фахру ифтихор билан улуғ аждодлари номларини санаб беради.

Шу маънода биз ҳам неча ўн йиллардан буён "Баркамол авлод" болалар мактабида 9 февралда Алишер Навоий, 14 февралда эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳазратлари таваллуди муносабати билан ўқувчи-ёшларимиз иштирокида ажойиб байрам дастурлари тайёрлаймиз. Тадбирга таниқли ижодкорлар, олим ва катта ҳаёт йўлини босиб ўтган нуронийларни таклиф этамиз. Яқинда худди шундай гўзал бир тадбир уюштирдик. Ташкилотчилар мактабимизнинг фаол ўқувчилари бўлишди. Бадиий чиқишлар, ғазалхонлик ва китобхонлик мутолааси, қизиқарли савол-жавоблар кўпчиликда катта таассурот қолдирди. Ибратли жиҳати, ёзувчи, шоир, журналистлар ҳеч қачон қуруқ қўл билан келишмайди. Ҳар доим ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилувчи бадиий китоблар, газета-журналлар туҳфа қилишади.

Очиғини айтиш керак, кейинги пайтларда айниқса, мактабда ўқиётган фарзандларимиз таълим-тарбияси билан боғлиқ муаммолар таҳлил этилганда, асосан уларнинг мактабдан ташқари машғулотларга жалб этишда оқсоқликлар кузатилаётгани, оқибатда айрим ёшлар ҳар хил бўлар-бўлмас нарсаларга чалғиб кетаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам бизнинг мактабимизда ўнлаб адабий, амалий ва спорт, касб-ҳунар ўргатишга ихтисослашган тўгараклар ташкил этилгани катта натижа беряпти. Масалан, ҳозир ўқувчи ёшларнинг хорижий тилларга қизиқиши кескин кучайди. Чунки кўряпмиз-да, чет тиллардан бирини яхши эгаллаган йигит-қизларимиз дунё миқёсида эришаётган ютуқлар ҳамманинг ҳавасини келтирмоқда. Демак, Президентимизнинг ҳар қандай шароитда ҳам юртдошларимизни таълим сифатини ошириш, ёшларнинг илм ўрганишга бўлган иштиёқини қўллаб-қувватлашга даъват этаётгани бежиз эмас.

Шу каби ҳаётий талаблардан келиб чиққан ҳолда тумандаги мактабларда таҳсил олаётган ўқувчи-ёшлардан салкам мингга яқини бугун бизнинг мактабимизда фаолият юритаётган ўнлаб тўгаракларда фаол қатнашмоқда. Энг қувончлиси, шу вақтгача бу даргоҳда билим ва касб-ҳунар эгаллаган юзлаб ўқувчилар айни пайтда мамлакатимиз ва хорижий давлатлардаги нуфузли олий ўқув юртларда таҳсил кўраётир. Бу ҳам бизга ўзгача фахр бағишлайди.



**Комил УЛУҒОВ,**
**Миробод туманидаги**
**"Баркамол авлод" мактаби директори,**
**халқ таълими аълочиси**
*Тошкент шаҳри*

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O'ZLIDEP XXI asr IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

**Бош муҳаррир**
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Актам ХАИТОВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Шуҳрат БАФОЕВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА
Сирожиддин САЙЙИД
Адҳам ШОДМОНОВ
Виктор ПАК
Насимжон АЛИМОВ
Сардор МУСТАФОЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73[A]-уй.

электрон почта:
xxi_asr@umail.uz
xxi_asr@mail.ru

*Телефонлар:*
*қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).*
*Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.*

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 245
Адади: 5726
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 19:50

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер **Маъруфжон Раҳмонов** томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009

**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:
**Озод РАЖАБОВ**